Ушбу сонда:
СОХТА ТАДБИРКОРЛИК 2
ОДИЛ СУДЛОВ 3
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
ҚАРОҚЧИЛАР ХАЗИНАСИ СИРЛАРИ 4

**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.**

**«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 16-МОДДА.**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 27 (482)
2006 йил 11 июль сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

*Мустақиллигимизнинг 15-йиллиги олдидан*

## ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

Пойтахтимиздаги «Болалар ижодиёти уйи»дан репортаж









**Истиқлол шарофати билан бутун мамлакатимизда мислсиз ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари таҳсинга сазовордир. Тошкентнинг Эски шаҳар қисми кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб, фусункор кўриниш касб этди. Пастқам иморатлар, тор ва кўримсиз маҳаллалар ўрнида замонавий гузарлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо уйлари ва спорт масканлари қад ростлади. Замонавий услубдаги кўприклар, Кичик халқа йўли бунёд этилгач, Эски шаҳар пойтахтимизнинг барча ҳудудлари билан узвий боғланди. Бугун Олий Мажлис ва Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Консерватория биноси, Миллий либослар галереяси, Банклар ассоциацияси, «Жар» спорт мажмуи, «Кобул-текстил» қўшма корхонаси каби иншоотлар Эски шаҳарга ўзгача ҳусн, кўрк ва чирой бахш этиб турибди.**

Хусусан, замонавий билим масканлари, шифохона ва маҳалла гузарлари, автомарказлар, банк ва савдо иншоотлари, кўркам шоҳкўчаларни кўриб, ҳар қандай кишининг баҳри-дили очилади. Эски Жўва бозорини айлансангиз, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғини сайр этсангиз, кўнглингиз ғурурга тўлади. Зарқайнар билан Сағбон кўчалари туташган жойда, Эски шаҳарнинг энг баланд нуқтасида қад ростлаган «Болалар ижодиёти уйи» наинки болаларнинг севимли маскани, замонавий меъморий обида сифатида ҳам кўнглингизга қувонч бағишлайди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан барпо этилган ва ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришдек эзгу мақсадга қаратилган Болалар ижодиёти уйи 2005 йилнинг сентябрида серқирра фаолият бошлади. Бу марказ иқтидорли ёшларнинг ижодий изланишлари учун барча қулайликларга эга маскандир. Бино меъморий жиҳатдан ҳам жуда ноёб иншоот. Бу ерда ёшлар ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб камол топиши йўлида улкан саъй-ҳаракат қилинаётир. Айтиш керакки, мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида марказ фаолиятига бир йил тўлади. Биз яқинда бу маърифат масканининг айни кездаги фаолияти билан яқиндан танишдик. Муҳташам даргоҳга қадам қўяр эканмиз, саратон жазирамасига қарамай, бинонинг ўқувчи ёшлар билан гавжум экани диққатимизни тортди. Уларнинг аксарияти тўгаракларнинг эрталабки гуруҳ аъзолари бўлиб, машғулотдан сўнг ўз фикрларини муҳокама этишарди. Шўх-шодон суҳбатга аралашдик.

— ***Радио-электроника тўгарагига қатнай бошлаганимга яқинда бир йил тўлади,*** — дейди Собир Раҳимов туманидаги 242-мактабнинг 8«Д»-синф ўқувчиси Достон Абдумаликов. — ***Ўтган қисқа вақт ичида устозим Туйғун Ашуровдан радио-техника асбоб-ускуналарини созлаш ва тузатишни тўлиқ ўрганиб олдим. Ўртоқларимга бу ердаги тўгараклар, турли кўрик-танловлар ва кўркам ижодиёт уйимиз ҳақида ҳикоя қилиб берганман, шундан сўнг уларнинг кўпчилиги менинг сафимга қўшилишди, ўз қизиқишлари бўйича тўгаракларга қатнай бошлашди...***

Ўқувчи ёшлар билан сўзлашиш асносида уларнинг нигоҳида ёниб турган ўтни, бахтли болаларга хос мамнунликни илғаш қийин эмас. Улар фахрланиб сўзлаётган Болалар ижодиёти уйи уч қаватдан иборат бўлиб, иншоотнинг биринчи қаватида болалар ижодидан намуналар намойиш этиладиган Кўргазмалар зали, драматик ва тасвирий санъат, бичиш-тикиш ва қандолатчилик каби турли тўгараклар, соғломлаштириш хоналари фаолият олиб боради. Иккинчи қаватда эса болалар кутубхонаси, шеърият клуби, техник ижод уйи, бадиий ҳунармандчилик тўгараги ўқувчилар ихтиёрида. Бинонинг учинчи қаватидан сўнг Томоша майдончасига кўтарилсангиз, гўзал пойтахтимиз кафтингизда тургандек яхлит намоён бўлади. Болалар ижодиёти уйининг ёруғ ва баҳаволиги, миллий меъморий жозибаси бино шифтининг кунгурадор гумбаз тарзида барпо этилгани, барча-барчаси ўсиб келаётган ёш авлодга чексиз меҳр-муҳаббатни ўзида намоён этади.

***Президентимиз Эски шаҳарнинг маркази Эски Жўва майдонида яхлит меъморий обида яратиш ғоясини илгари сурган***, — деб ҳикоя қилади Болалар ижодиёти уйи раҳбари Носир Файзиев. — ***Мана шу меъморий обидани, атрофдаги иморатларни ўзаро боғлаб турувчи марказий ва муҳташам иморат — Болалар ижодиёти уйидир. Қурилиш давомида давлатимиз раҳбари бир неча бор келиб, қимматли фикрлар билдириб, марказ биноси янада кўркам бўлишига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар томонлама чуқур ўйланган ажойиб ғоя натижаси сифатида замонавий ва миллий меъморий услубдаги кўркам иншоот барпо этилди. Эндиликда 960 нафар ўқувчи ёшлар ўз қизиқишлари бўйича 20 та тўгаракка бириктирилиб, малакали мутахассислар қаноти остида бошланғич ҳунар сирларини ўрганишмоқда. Кези келганда, беминнат ёрдамини аямаётган ҳомийларимиз — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман бўлимлари, Ёзувчилар уюшмаси, Жаҳон тиллари университети ва Миллий университет ҳамда Бадиий Академияга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман. Турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказишда, ўқувчиларни рағбатлантиришда улар яқиндан ёрдам бермоқда, ёш авлод вакилларини катта ижодий ҳаётга тайёрламоқда...***

Болалар ижодиёти уйининг фаолиятига назар ташлар эканмиз, қўлга киритилган дастлабки натижалардан мамнун бўлдик. Республика миқёсида ўтказиладиган «Камалак-2006» кўрик-танловида 14 ёшли Жавоҳир Раббиновнинг Шарқ миниатюраси бўйича ижодий иши ғолибликка муносиб топилди. «Ёғоч ўймакорлиги» тўгараги аъзолари эса Республика «Ташаббус-2006» кўрик танловида фахрли 3-ўринни қўлга киритишди. «Наргиз» миллий рақс тўгараги аъзолари «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ ва рақс танловининг шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритишди. Шуниси эътиборга моликки, ҳар бир тўгаракда муайян йўналишлардан ташқари инглиз, рус тили ва компьютер сабоғи бўйича ҳам машғулотлар олиб борилади. Тўгарак хоналари энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган, бир сўз билан айтганда, зарур шарт-шароитларнинг барчаси муҳайё.

— ***Ўқувчиларимиз шаҳримизнинг турли бурчакларидан келишади,*** — дейди бадиий тўқиш тўгараги раҳбари Муқаддас Убайдуллаева. — ***Ҳатто Зангиота туманидан ҳам ҳар бир машғулотга мунтазам қатнайдиган ўқувчилар бор. Масофа олислигига қарамай, жонкуяр ота-оналар фарзандининг ҳунар эгаллаши, келажаги учун қайғуришади. Биз ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар зое кетмасин учун ёшларга етарлича сабоқ беришга интиламиз...***

Ҳа, ёшларнинг касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари, ўзларидаги иқтидорни рўёбга чиқаришлари, келажакка қадам қўйишлари ва ўзаро дўстлашишлари учун бу маърифат масканида барча имкониятлар мавжуд. Бундан ота-оналар ҳам бағоят мамнун.

— ***Қизим уч ойдан буён миллий рақс тўгарагига иштирок этаяпти,*** — дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи уй бекаси Дилафрўз Хўжаева. — ***Бу тўгарак нафақат ёзги таътилни мазмунли ўтказишда, балки қадди-қоматининг расо бўлишида ҳам қизларга ёрдам қилиши аниқ. Мана шундай гўзал обида барпо этиб, уни ёш авлод ихтиёрига топширган ҳукуматимиз меҳрибонлигидан, фарзандларимизга сабоқ беришда куч-ғайратини аямаётган устоз-мураббийлардан ғоятда миннатдормиз.***

Болалар ижодиёти уйида амалга оширилаётган ишлар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин келиб чиқадиган хулоса битта: ҳамма яхши нарсалар болаларга. Болалар ижодиёти уйидан чиқар эканмиз, Президентимиз таъкидлаб айтган ***«Мамлакатимиз суянчи ва таянчи — замонавий билим соҳиби бўлган, онгли фикрлайдиган ёшлардир»,*** — деган фикр хаёлимиздан ўтди.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**журналист**

*Xabar*

**Шу йилнинг 27-30 июнь кунлари Хитой Халқ Республикаси Адлия вазири У.Айиннинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Б.Мустафоев бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.**

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ушбу ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳуқуқий соҳада икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалаларини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Мазкур ташриф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида 2004 йил 15 июнда имзоланган ўзаро ҳамкорлик Битимини янада ривожлантириш, шунингдек, 2005 йил 25 майда суд-экспертиза соҳаларида қабул қилинган ўзаро ҳамкорлик Битимидан кейин ҳуқуқий соҳада икки томонлама ҳамкорлик янада кенгайиб бораётганининг амалий ифодасидир.

Учрашувлар давомида Хитой Халқ Республикаси Адлия вазири У.Айин Хитойда одил судловни амалга ошириш масалалари бўйича янги қонунлар ва қўлланмалар яратилаётгани, жиноий жазо ва ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялаш ишлари қандай ижро этилаётганини кузатиб бориш ва бевосита раҳбарлик қилиш, умумий юридик билимларни омма орасида кенг тарқатиш, нотариуслар, адвокатлар ва юрист-консультантлар тажрибаларини кузатиб бориш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, суд-экспертиза хизматини бошқариш, шунингдек, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Б.Мустафоев мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, адлия тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ва истиқболдаги режалар тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Учрашув якунида томонлар келгусида Ўзбекистон ва Хитой Адлия вазирликлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида келишиб олдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси Хитой Олий Халқ судида ҳам бўлди. Хитой Олий Халқ суди раисининг ўринбосари Су Цзелин меҳмонларни Хитойдаги мавжуд суд тизими, ушбу соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг келажаги ва ўзига хос томонлари билан таништирди.

Ўзбекистон делегацияси Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши аъзоси, ХХР жамоат хавфсизлиги вазири Чжоу Юнкан билан ҳам учрашди. Хитой Халқ Республика жамоат хавфсизлиги вазири Чжоу Юнкан Ўзбекистоннинг бугун эришаётган ютуқларини юқори баҳолади. Мамлакатларимиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан икки томонлама алоқани доимий ва мустаҳкам йўлга қўйишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ЎЗбекистон Республикаси делегацияси раҳбари Б.Мустафоев мамлакатимиз ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг аҳамиятини таъкидлаб, яқинда Президент Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ташкил этилганининг 5 йиллиги муносабати билан Шанхай учрашувида сўзлаган нутқидаги қуйидаги ўринларни эслатиб ўтди: **«Ўзбекистон Хитой тимсолида буюк қўшни ва ишончли шерикни тасаввур этади. Мустақилликнинг илк даврлариданоқ бу мамлакат бизни қўллаб-қувватлади ва қўллаб-қувватламоқда».**

Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд-экспертиза илмий-техника институтида суд-экспертиза соҳасида Ўзбекистон Адлия вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик Битимини ижро этишга қаратилган Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги суд-экспертиза Маркази ва Хитой Халқ Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд-экспертиза илмий-техника институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик Битимини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган учрашув якунлари бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин тутаётгани, иқтисодиёт, илм-фан ва бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам дунё халқлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганининг амалий ифодасидир.

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларда Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикадаги фавқулотда ва Мухтор элчиси Н.Юсупов иштирок этди.

*Nazorat tadbiri*

## ҚОНУНИЙЛИК — АДОЛАТ МЕЗОНИ

***Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва ҳукумат қарорлари мулкдорлар сафининг тобора кенгайишига ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Давлат бюджети шаклланишида ҳам тадбиркорлик субъектларининг салмоқли ҳиссаси бор. Аммо юқорида таъкидланган адолатли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишда айрим муаммолар йўқ эмас.***

Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорликка оид қонунбузилиши ҳолатларига чек қўйиш мақсадида биргина шу йилнинг 1-чораги давомида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ижроси мажбурий бўлган 98 та тақдимнома, тадбиркорлик субъектларидан асоссиз равишда ундириб олинган пул маблағларини ўз эгаларига қайтариш тўғрисида судларга 1,5 миллиард сўмликка яқин 523 та даъво аризаси киритилди. Бошқарма тақдимномасига асосан назорат қилувчи ва бошқа идораларнинг 78 нафар айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари белгиланди.

Хусусан, ўрганишлар давомида айрим ҳолларда Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил давлат бюджети параметрлари тўғрисида»**ги қарори ва шу қарорга асосан қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2005 йил учун жисмоний шахсларга ҳисобланадиган мол-мулк солиғи бўйича қўлланиладиган солиқ миқдорлари, савдо қилиш ҳуқуқини берувчи йиғимларни ва айрим товарларни сотиш учун бериладиган лицензия, шу жумладан, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқларини берувчи йиғимлар, солиқ миқдорларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида белгиланган қатъий солиқ ставкалари нотўғри ундирилаётгани аниқланди.

Жумладан, Улуғнор туманида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор С.Исломов 2005 йил 5 июл куни давлат рўйхатидан ўтиб, тегирмончилик билан шуғулланиб келган.

Юқорида қайд этилган қонунлар талабларига асосан тадбиркорлик фаолиятининг тегирмончилик тури билан шуғулланувчи фуқароларга бир ойга энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида қатъий солиқ ундирилиши белгилаб қўйилган.

Тадбиркор С.Исломовга 2005 йилнинг 14 ноябр кунига қадар 91.325 сўм миқдоридаги қатъий солиқ ҳисобланган бўлса-да, Улуғнор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2005 йилнинг 14 ноябр кунига қадар 9830 сўм ортиқча солиқ ундирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан келтирилган даъво аризаси асосида вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектидан асоссиз равишда ундириб олинган пул маблағи ўз эгасига қайтарилди.

Асака тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази иш фаолиятини ўрганиш давомида Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони талаблари қўпол равишда бузилгани аниқланди.

***(Давоми иккинчи бетда)***

*Tahlil va saboq*

## БАНКРОТЛИК

### унга дучор бўлмаслик учун қонуний ва ҳалол фаолият юритиш талаб этилади

**Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши давлат мулкини хусусийлаштиришга, мулк шаклларининг, асосан хусусий мулк шаклининг пайдо бўлишига, хўжалик субъектларнинг хусусий шахслар қўлига ўтишига олиб келди ва ушбу жараёнларга шарт-шароит яратиб бериш мақсадида, шунингдек, уларнинг ривожланиши учун қонуний асослар яратилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг йўл очиб берилди.**

Албатта, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш қонун асосида иш юритишни талаб қилади. Акс ҳолда ушбу фаолиятнинг оқибати кўзланган натижаларга олиб келмаслиги, ҳаттоки банкротлик ҳолатига ҳам тушиб қолиши мумкин.

**«Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида банкротликка «банкротлик (иқтисодий ночорлик) — хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги»**, деб таъриф берилган.

Шу ўринда, хўш, қарздорга нисбатан қайси ҳолатларда ва қандай жавобгарлик белгиланади? — деган савол туғилиши мумкин. Бунинг учун эса аввало, «кредитор» ва «мажбурий тўловлар» атамаларига изоҳ бериб ўтсак. **«Банкротлик тўғрисида»**ги қонуннинг 3-моддасига кўра, «қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбуриятини бажариш бўйича қайси юридик ёки жисмоний шахс олдида жавобгар бўлса, айни шу юридик ёки жисмоний шахслар (қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса, айни шу фуқаро, шунингдек, ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) бундан мустасно) кредиторлар»дир. Мажбурий тўловлар деганда эса, давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушунилади.

Қонуннинг 35-моддаси, 2-хатбошисида таъкидланишича, банкротликка оид хўжалик ишлари Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, ушбу қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Жавобгарлик масаласи ҳам хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса, ушбу шахсга нисбатан маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди томонидан банкротликка оид хўжалик ишларининг кўрилиши жараёнида жами 55 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган бўлиб, уларнинг 4 тасига нисбатан жиноий жавобгарлик, 51 тасига нисбатан эса маъмурий жавобгарлик белгиланган.

***(Давоми иккинчи бетда)***

Bugunning gapi

# БОЙЛИК ҒОЙИБДАН КЕЛМАЙДИ

**Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шу асосда мамлакатимизда паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ишига жиддий киришилди. Табиийки, бу саъй-ҳаракатлар жойларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда ва фермерликни ривожлантириш бўйича етарли даражада тажриба тўпланмоқда.**



Айни кунларда Амударё туманида турли хил соҳаларга ихтисослашган 609 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Туман фермерларга хизмат кўрсатиш маркази бош директори Мадамин Қозоқовнинг таъкидлашича, жорий йилда пахта сотиш бўйича 543 та субъект билан, буғдой етиштириш бўйича 424 та субъект билан контрактация шартномалари тузилган. 2006 йилда фермер хўжаликлари томонидан 4860 тонна ғалла етиштирилиб, бу борадаги шартномавий режа ортиғи билан уддаланган. Шартномавий мажбуриятлар ижроси бобида чорвачиликка мослаштирилган «Ғаний» фермер хўжалигининг иштироки алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур хўжалик бундан ўн йилча муқаддам кооператив шаклида ташкил этилган эди.

Олий маълумотли мутахассис Баҳром Султонов раҳбарлигидаги чорвачилик жамоаси ҳисобида ўшанда 30 бошга яқин қорамол бор эди, холос. Ташкилотчи раҳбар ўзининг интилувчан ва ташаббускорлиги туфайли ишда ижобий бурилишлар ясашга муваффақ бўлди. Давлатдан етарли миқдорда кредит олиб, чорва моллари сонини кескин оширди. 10 гектар экин майдонига беда, макка, полиз ва сабзавот экинлари экиб, улардан мўл ҳосил тўплади. Келажакка умид ва ишга чанқоқлик руҳида қилинган меҳнат қисқа вақт ичида ўз самарасини бера бошлади.

Айни чоғда фермер хўжалигида 15 нафар ишчи меҳнат қиляпти. Қўлни қўлга бериб қилинган меҳнат туфайли бирор йил йўқки, хоҳ у, хоҳ бу соҳаларда шартнома мажбуриятлари тўлиғича уддаланмаган бўлсин. Муҳим томони шундаки, фермер хўжалиги анча йиллардан буён Ойимхон Камолова номидаги «Ўзбекистон», «Хоразм» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари ҳудудларидаги 8 та мактаб ва болалар боғчаларини шартнома асосида гўшт, сут, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Қишлоқ марказидаги «Ўзбекистон» шифохонаси ҳам фермер хўжалигининг ҳомийлик ёрдамидан баҳраманд бўлмоқда.

Тараққиёт доимо ҳаракатни талаб қилади. Фермер хўжалиги раҳбари шу тамойил асосида «Куйик кўпир» аҳоли яшаш манзилида «Гулбаҳор» хусусий дўконини очди ва мазкур савдо маркази ҳозирда кўпчиликка намунали хизмат кўрсатяпти. Хўжалик ўзининг макарон цехи, шунингдек, музқаймоқ тайёрлаш ускуналарига эга.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланиши ва Юртбошимиз томонидан **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорнинг қабул қилиниши Баҳром Султоновни яна бир марта ҳимматпарварликка даъват этди. Мамлакат ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган ушбу қарордан руҳланган фермер хўжалиги раҳбари кам таъминланганлар қаторида бўлган оила соҳибаси Шайдо Матсафоевага хўжалик ҳисобидан 1 бош соғин сигир ҳадя қилди.

Фермер хўжалигининг келгуси режалари янада улуғ. Хўжалик таркибида янгидан қўйчилик, паррандачилик соҳаларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, шоли ва ун тегирмонларини ишга тушириб, ҳамқишлоқлар оғирини енгил қилиш ният қилинмоқда.

— Бойлик ғойибдан келмайди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Султонов. — Инсон ўз тақдирини ўзи яратиши лозим. Ишонаманки, ҳаракатчанлик, ишбилармонликка майл қўйган киши ҳар қандай мушкулотни енга олади. Фермерлик иши туфайли бой, бадавлат кимсаларга айланяпмиз. Шахсий манфаатдорлик ҳисси бизни янги меҳнат зафарлари сари ундаяпти. Аммо бу фақат ўз оиланг учун куйинмоқ дегани эмас. Унутмаслик лозимки, барчамиз шу юрт келажаги учун масъулмиз.

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Muloqot

# ҚОНУН АЖРАШИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ

***— Синглимнинг турмушга чиққанига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин кейинги пайтда куёвимиз тез-тез жанжаллашадиган одат чиқарди. Синглим ҳомиладорлиги туфайли ҳаммасига чидаб юрган эди. Лекин куёв «ажрашаман», дебди. Синглим эса фарзанд кутаяпти. Бундай ҳолатда қонун ажрашишга рухсат берадими?***

**Г.ЭШМИРЗАЕВА,**
**Поп тумани**

— Йўқ, бундай ҳолатда қонун никоҳни бекор қилишга йўл қўймади. Чунки Оила кодексининг 39-моддасида эрнинг никоҳдан ажратиш тўғрисида талаб қўйишини ман этадиган ҳолатлар мавжуд. Ушбу моддага кўра, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Республика Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида кўрсатилишича, боланинг отаси деб қайд этилмаган ҳолларда ҳам эр бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажралиш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшгача яшамай вафот этган ҳолларда ҳам татбиқ қилиниши лозим. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун хотинининг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар ариза қабул қилинган бўлса, иш юритишни тўхтатади. Хотин судда иш қўзғатишдан олдин эрининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишга розилик бериб, кейин ишни кўриш чоғида унга қаршилик билдирса ҳам ишни юритишдан тугатиш лозим бўлади.

Nazorat tadbiri

# ҚОНУНИЙЛИК — АДОЛАТ МЕЗОНИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Хусусан, туман ДСЭНМ бош врачининг 2005 йил 8 июлдаги **«Тақиқлаш, тўхтатиб қўйиш тўғрисида»**ги 42-сонли қарорига асосан Кужган қишлоғилик тадбиркор И.Абдураҳимовга қарашли хусусий тижорат дўкони фаолияти ноқонуний равишда тўхтатилган.

Худди шундай қарор билан Д.Ботиров, И.Арапов, Д.Раҳмоновга тегишли қассобхоналар, С.Абулбоқиев, Э.Маматкаримов, Ю.Бекелдиев ва А.Қурбоновга тегишли сартарошхоналар, Б.Эргашев ва Н.Қодировнинг хусусий тижорат дўкони фаолиятлари ноқонуний тўхтатилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан тақдимномалар киритилиб, ноқонуний қарорлар бекор қилинди.

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг Андижон ҳудудий бўлими томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси ва уларда ўтказиладиган текширишлар, қўлланилган таъсир чораларининг қонунийлиги ўрганилганда бўлим томонидан **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг **«Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида»**ги ва **«Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»**ги қарорларида белгиланган қоидалар талаби бўйича «Ойимтекстил», «Андижон-Ун» ва бошқа бир нечта қўшма корхоналар мурожаатларига қонунда белгиланган тартибда жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланди.

Бу каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида «Ўздавэнергоназорат» Андижон ҳудудий бўлимига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага асосан қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган ходимларга нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазоси қўлланилди.

Хулоса ўрнида қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес тараққиёти учун барча шароитлар яратилган. Бироқ янги иқтисодий тафаккурнинг секин ривожланаётгани қонунга бўйсунмаслик, ўрнатилган тартиб-интизомни бузиш, қонунни четлаб ўтишга уриниш ҳолатларини ҳам юзага келтирмоқда. Бу бугун бозор иқтисодиёти, хусусан, кичик бизнес тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис Юртбошимиз таъкидланганидек, **ўз куч ва имкониятига таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор — тадбиркорларга назорат қилувчи идоралар томонидан амалий ёрдам берилиши лозим. Ана шундагина тадбиркорлик янада тараққий этади.**

**Ғофиржон АЛИЕВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

Qonun ko`magi

# ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

**Қадимда икки фуқаро қози олдига келишибди.**

**— Тақсир, мана бу одам мендан қарзга пул олган эди, лекин бермаяпти.**

**Қози жавобгарга саволомуз қарабди:**

**— Шундоқ бўлганмиди?**

**Жавобгар бошини эгиб, даъвони тасдиқлабди.**

**— Хўш, жавобгар қарз олиш жараёнида ўзининг мабодо олган маблағини ишлатиб зарар кўрган тақдирда қарзни барибир тўлаш учун етарли маблағи, чунончи, мол-мулки, чорваси, қимматбаҳо буюмлари ёки бошқа нарсалари борлиги ҳақида сизни огоҳлантирганмиди? Қарзни қайтариб бериш муддатлари белгиланганми? Гаровга нима қўйилган?**

**Шунда қарз беришнинг ушбу шартларини аввалдан қонунлаштириб қўймаган даъвогар бош эгиб қолган экан.**



Ҳозирги кунларда ҳам шундай воқеаларнинг учраб туриши ажабланарлидир. Масалан, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Фарғона бўлими «Шукрона» хусусий фирмасига оз эмас, кўп эмас, 58 миллион 863 минг 860 сўм кредит берган. Хусусий фирма муддати ўтиб кетганига қарамай қарзни узолмайди. Иш судга оширилади. Суд фирманинг қарзини тўлаши лозимлиги ҳақида қарор чиқаради. Бироқ «Шукрона»нинг мол-мулкларини текшириш учун унинг манзилгоҳига борган суд ижрочилари Фарғона шаҳар бўлинмаси ходимлари бу манзилгоҳда ундирадиган ҳеч нарса йўқлигини кўриб лол қолишди. Маълум бўлишича, шунча катта миқдордаги пул маблағини бераётган банк қарздордан гаровга ҳеч нарса олмаган экан. Берилган пулнинг нима мақсадда сарфланаётганлигини текширмаган, бу хусусда мониторинг ўтказмаган. Эндиликда қарздор «Шукрона»нинг номида ҳеч қандай мол-мулк йўқ...

Марғилонлик хусусий тадбиркор Гулнора Умрзоқовага ҳам ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Марғилон бўлими 5 миллион 977 минг 792 сўм миқдорида кредит берган. Вақти келиб пулни қайтариш ҳаракатига тушишгач, Г.Умрзоқованинг хонадонида яшаш учун энг зарур бўлган мол-мулклардан ортиқча ҳеч нарса йўқлиги аниқланди. Тегишли ташкилотларга хусусий тадбиркор Г.Умрзоқованинг номида мол-мулк борлигини аниқлаш учун юборилган сўровномалар ҳам натижа бермади — чунки Умрзоқованинг номида ҳеч қандай мол-мулк йўқ эди.

Мамлакатимизда демократиянинг умуминсоний принципларига асосланиб, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган. Шу билан бирга фуқаролар давлат ва жамиятнинг ёки шахсларнинг қонуний манфаатларига путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишлари, ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига бирор-бир тарзда зарар етказмасликлари шарт. Бу эса ўз навбатида давлат идораларидан ҳам фуқаролар билан муносабатларда мана шундай қоидаларга тўлиқ амал қилинишини белгилайди. Юқоридаги каби ҳолатларда эса шошма-шошарлик, эътиборсизлик оқибати яққол кўриниб турибди.

Албатта, бундай вазиятларда қонунчилик идоралари кескин чоралар кўришга қодир. Масалан, Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан А.Исроилов М.Исроилова фойдасига икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик даромадининг учдан бир қисми миқдорида нафақа тўлаб бориши белгиланган эди. Аммо у ўтган йилнинг июн ойидан буён нафақа пулларини қасддан тўламай юрган. Натижада А.Исроиловнинг юқоридаги ҳаракатларида Жиноят кодексининг 122-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан қарздор Юсуф Жаҳонгировдан ундирувчи Лазокат Жаҳонгированинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандига даромадининг тўртдан бир қисми миқдорида нафақа ундириш белгиланган эди. Бироқ у суд ижрочилари томонидан бир неча марта огоҳлантирилган бўлса-да, 2005 йилдан буён фарзандига нафақа пулларини тўламай келган. Натижада унга нисбатан ҳам шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Албатта, қонунбузувчи ҳеч маҳал қонундан қочиб қутулолмайди. У, албатта, фош этилади, суд ҳукми ёки қарорига мувофиқ тегишли жазосини олади. Идоралараро ва фуқаролар билан боғлиқ муносабатларда тегишли қонун-қоидаларга оғишмай риоя қилинишигина ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла-тўкис таъминлаш имконини беради.

**Аюбхон ИНОЯТОВ,**
**Суд ижрочиларининг Фарғона шаҳар бўлинмаси суд ижрочиси**

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

***— Яқинда музлатгични таъмирлаш учун устага берган эдим. Бироқ музлатгични уйга олиб келсам у яна ишламади. Уни яна устага олиб бордим. Уста музлаткични таъмирлаш учун пул тўлашим лозимлигини айтди. Ахир, мен уни таъмирлаш учун пул тўлаган эдим-ку?! Таъмирдан чиққан музлатгич бир кун ҳам ишламади. Устанинг яна пул талаб қилиши тўғрими? Бу ўринда истеъмолчи сифатида менинг ҳуқуқим поймол қилинмаяптими?***

**Ҳ.АСҚАРОВ,**
**Тошкент шаҳри**

— **"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонуннинг 19-моддасида ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳақида сўз юритилган. Ушбу модданинг биринчи қисмига биноан, ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиш) шарт.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонларни бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли, шу хилдаги материалдан бошқа бепул буюм тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Бу борада сиз ўзингиз яшаб турган туман фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат этасиз.

Шунингдек, сиз ушбу қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метеорология ва сертификатлаштириш агентлигига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

Tahlil va saboq

# БАНКРОТЛИК

## унга дучор бўлмаслик учун қонуний ва ҳалол фаолият юритиш талаб этилади

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратиб ўтиш керак. Маълумки, Жиноят кодексининг 180-моддасида сохта банкротлик ҳақида гап боради, яъни **«хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»** дейилган. 181-моддада эса банкротликни яшириш, яъни **«хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерия ҳисоботларни бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши»** таъкидланган. Баъзан хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари мансабга совуққонлик билан қараши оқибатида банкротлик ҳолатлари юз бермоқда, бундай ҳолларда эса мазкур раҳбарнинг ҳаракатлари ЖКнинг 207-моддаси (мансабга совуққонлик билан қараш) билан квалификация қилинади.

Албатта, ҳар қандай қонунбузарлик содир этган шахс жавобгарликка тортилмасдан қолмайди, шунинг учун хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ оддий фуқаро, барчамиз олиб бораётган ишимизга лоқайд бўлмаслигимиз ва қонунчилигимиздаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришимиз лозим. Ана шундагина сиз-у биз фаолият кўрсатаётган корхона ёки ташкилот таназзулга эмас, тараққиётга юз тутади.

**П.САЛИЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди раисининг ўринбосари**

SHarh

***Сохта тадбиркорлик билан машғул шахслар нафақат иқтисодиёт асосларига таҳдид солишади, балки хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳам зарар етказишади. Чунки уларнинг ғайриқонуний ҳаракати оқибатида одамларнинг бозорга бўлган ишончи сусаяди.***

# СОХТА ТАДБИРКОРЛИК

Маълумки, юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Уставда юридик шахс шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари қайд этилади. Умумий ҳуқуқ лаёқати деганда, юридик шахснинг қонун орқали таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиш ва ҳар қандай мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олиш мумкинлиги тушунилади.

Тижорат билан шуғулланувчи хўжалик ширкатлари ва хўжалик жамиятлари асосан умумий ҳуқуқ лаёқатига эга. Уларнинг уставида фаолиятнинг тури ва мақсади аниқ кўрсатилган бўлади (Фуқаролик кодексининг 70,71,72-моддалари). Махсус ҳуқуқ лаёқати тижоратчи бўлмаган ташкилотлар учун ҳам таллуқли. Махсус ҳуқуқ лаёқатига риоя қилмасдан, юридик шахслар томонидан тузилган битимлар ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин (ФКнинг 125-моддаси). Ташкилотлар (банк, суғурта ташкилоти ва бошқа ташкилотлар) улар билан қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг турларига ва мақсадига тўғри келмайдиган битимларни тузишлари мумкин эмас. Бундай битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади (ФКнинг 116-моддаси).

Кўпчилик юридик шахслар ўз фаолиятини хусусий (индивидуал) устав асосида амалга оширади. Масалан, акциядорлар жамияти (ФКнинг 64-65-моддалари), унитар корхоналар (ФКнинг 71-моддаси 2-қисми). Бир қатор юридик шахсларнинг уставлари давлат идоралари томонидан тасдиқланган қонунга яқинлаштирилган ҳужжатлар (намунавий уставлар, низомлар) асосида ишлаб чиқилади. Баъзи турдаги юридик шахслар учун таъсис ҳужжати сифатида ҳам устав ва ҳам шартнома назарда тутилади.

Ҳар бир тузилган корхона ёки бошқа тадбиркорлик тузилмаси фақат ўз низомида кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланиши керак. Сохта тадбиркорликда эса, тузувчилар ўз низомида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишни эмас, балки бошқа мақсадларни кўзлаб иш юритишади. Корхонани тузиш фактининг ўзи тўла ёки қонунга асосланган бўлади, унинг низоми, зарурий таъсис ҳужжатлари қабул қилинади, рўйхатдан ўтказилади. Бироқ ишни бошлаш вақти келганда, бундай корхона ўз низомида кўрсатилган фаолият билан умуман шуғулланмайди ёки низомда кўрсатилмаган фаолият билан шуғулланади.

Сохта тадбиркорлик дейилганда, уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани солиқлардан озод қилиш ёки бошқа мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш тушунилади. Сохта тадбиркорлик жинояти корхоналар ёки бошқа тадбиркорлик билан шуғулланувчи тузилмаларнинг қонунда, ўз низомида белгиланган фаолиятни таъминловчи ижтимоий муносабатларга зиён етказади. Сохта банкротлик эса, тадбиркорлик тузилмаларининг нормал фаолият кўрсатишини, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатларга қарши тажовуздир.

Сохта тадбиркорлик жиноятини содир этган шахсларнинг асосий мақсади корхона ёки ташкилот тузиб, унинг низомини белгилаб, низомда тасдиқланган фаолият тури билан шуғулланмасдан, фақат имтиёзли кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш ёки бошқача мулкий манфаат кўришдир. Сохта банкротликни содир этишда эса, хўжалик юритувчи субъектлар кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлгани ҳолда, уларни бажаришдан атай бўйин товлаб, ўзини банкрот деб эълон қилишади. Мазкур жиноятларнинг яна бир фарқли томони шундаки, уларнинг келиб чиқиш манбаи турлича. Сохта тадбиркорлик фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган меъёрлар асосида юзага келиб, кейинчалик бевосита жиноят қонунчилигига киритилган. Сохта банкротлик эса, **«Банкротлик тўғрисида»**ги қонун талаблари асосида Жиноят кодексига киритилгандир. Аслида сохта тадбиркорлик ҳам, сохта банкротлик ҳам мамлакатимиз иқтисодий асосларига зарар келтирадиган ҳамда қасддан содир этиладиган жиноятлардир.

**Отабек МУҲАММАДИЕВ**

## ФИРИБГАР ЖАЗОЛАНАДИ

***— Ўтган йили бир танишим бир муаммони ҳал этиб бераман, деб мендан 2000 АҚШ доллари олган эди. Аммо муаммо ҳал бўлмади. Танишим эса пулни қайтаришдан бош тортди. Айтинг-чи, у фирибгар сифатида жазога тортилиши мумкинми?***

**Н.АБДУЛЛАЕВ,**
**Хива шаҳри**

— Агар танишингиз олган 2000 АҚШ долларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва гувоҳлар бўлса, уни фирибгар сифатида жазога тортиш мумкин.

Чунки Жиноят кодексининг 169-моддасида фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулки ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш:

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса:

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса:

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

**Саволларга ТДЮИ катта ўқитувчиси Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Nuqtai nazar*

# ИДРОК ЭТИШ ЗАРУРАТИ

***Ҳозирги пайтда ахборотнинг глобаллашув жараёни тез суратларда амалга ошаётир. Эндиликда ахборот оламни бошқара оладиган кучга айланаётгани рост. Турли мавзудаги хабарлар ёшларни қизиқтириши тайин ва улар ахборот бозорининг харидорларидир.***

Оммавий ахборот воситалари ичида интернет тармоғи энг тезкор ва қулай манба ҳисобланади. Мамлакатимизда 1996 йилдан бери интернетдан фойдаланиб келинаётган бўлса, бугунги кунга келиб фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этмоқда. Ахборот ёш авлод тарбиясида, таълим соҳаларида, интеллектуал салоҳиятни ўстиришда муҳим омилдир. Президентимиз ўсиб келаётган ёш авлодни интернет орқали дунёни билишга, ахборотларни холисона тўғри қабул қила олишга ўргатиш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан асрамоқ кераклигини кўп таъкидлайдилар.

Зотан, интернетда ҳамиша ҳам тўғри ахборот берилавермайди. Бу глобал тармоқ маълум доиралар манфаатларига, турли сиёсий ўйинларга ҳам хизмат қилаётир. Баъзи сайтларда турли ахборот таҳдидларининг инсонлар онгига салбий таъсир этаётгани, информацион босимлар шу куннинг долзарб муаммосига айлангани ҳам сир эмас.

Бир гал интернет ресурсидан фойдаланаётган талабани кузатдим. Унинг қандай ахборотларга ишқибозлиги мени қизиқтирди. У гоҳ жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, гоҳ санъат ва маданият, иқтисодий ва сиёсий мавзуларни титкиларди. Бир пайт: «Мана бунга қаранг», дея менга ишора қилди. «Нима экан?» — деб қизиқиб қарасам, халқимизнинг қадриятларини ерга уришга қаратилган бўҳтонлар. Интернетдаги бу сафсаталар дунёнинг нариги чеккасида ўтириб «фол очиш» дан ўзга нарса эмас. Кўп миллатли юртимизда диний эътиқод ва виждон эркинлиги Конституциямизнинг дастлабки бобларида муҳрланганини, диний қўмиталар ва диний таълим муассасалари фаолият юритаётганини ва улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ҳимоясида эканини била туриб, ҳақиқатан кўз юмишни нима деб аташ мумкин?! Мамлакатимиз қонунчилигида халқимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятлари уйғунлиги, юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилиги жаҳон афкор оммасига кундек равшан-ку!

Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Ахборот бу ҳар қандай атом полигонидан ҳам қудратлироқдир. Атом маълум ҳудудни вайрон этади, ёвузликка йўғрилган ахборот ва мафкура қуроли эса бутун бир миллатни, бутун дунё миллатларини жар ёқасига буриб юбориши мумкин».**

Дарҳақиқат, ахборот хуружи таъсирида киши ўз ҳуқуқ ва бурчлари, инсоний фазилатларидан ташқари, ўзининг ким эканлигини, аждодлари ким бўлишганини ҳам унутиб қўйиши мумкин.

Мамлакатимиз эркин фуқаролик жамияти сари одимлаётган бир даврда ғаразли информацион таҳдидлардан ёш авлод онгини ҳимоялаш долзарб вазифалардандир.

Президентимиз Талабалар шаҳарчасида ёшлар билан учрашувида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, ёшлар воқеа ва ҳодисаларнинг ҳақиқий сабабларини идрок қилиши, оқибатни сабаб қилиб кўрсатаётган ғанимларнинг шум ниятларини тушуниши, идрок қилиши зарурлигини таъкидлаган эдилар. Ҳар қандай давлат ўз манфаатларини, ўз аҳолисини ташқи хуружлардан ҳимоя қилиши табиий. Нафақат интернет саҳифаларида, бошқа электрон ахборот воситалари орқали берилаётган ахборотларга миллий манфаатларимиз, яшаш тарзимиз, ахлоқий фазилатларимиз нуқтаи назаридан қарашимиз зарурлигини ёшларимиз тушунмоқлари даркор.

**Зафар ЁҚУБОВ**

*Oramizdagi odamlar*

# АДВОКАТНИНГ БУРЧИ

... Ота, одатдагидай яна ичиб келди ва оиладагиларга зуғум ўтказишни бошлади:

— Ҳов, нега бақраясан, мени энди кўриб турибсанми?! – дея ўшқирди у хотинига.

Унинг маст бўлиб, жанжал қилишидан юрак олдириб қўйган хотини тупроққа беланган кийимларини эгнидан ечиб ола бошлади. Оёғида зўрға турган эр аёлига мушт туширди... Қўрқувдан жовдираб турган болалар онага ёрдам беришга журъат қилишолмади. Эндигина 18 ёшни тўлдирган Нодиржон чидаб туролмади — отасининг йўлини тўсиб, «онамни урманг», дея ялиниб-ёлворди. Жоҳил ота эса, бунга жавобан фарзандининг оғзи-бурни аралаш мушт тушириб:

— Отангга ақл ўргатмоқчимисан, — дея ўдағайлайди.

— Ота, ахир, энам нима гуноҳ қилди, — йиғламсиради ўғил бурнидан оқаётган қонни енги билан артаркан.

— Нима-а-а, бу уйда мен хўжайинман, кўнглимга келган ишни қиламан, — дея маст ота. Кейин у алланималар дея валдираб ухлаб қолди.

— Эна, туринг, отам ухлаб қолди, — Нодиржон онасини турғизишга ҳаракат қилди.

— Мен яхшиман, укаларингни уйга олиб кир, қозондаги овқатни енглар. Мен озгина мизғиб олай, — деди синиққина овозда аёл.

Отанинг зўравонликлари тобора ҳаддан ошарди. Фарзандларнинг эса сабр косалари ҳам тўлиб-тошганди...

Оқибатда мудҳиш фожеа содир бўлди.

Ўша куни тошбағр ота яна тўйиб ичиб келди, уйда жанжал кўтарди. Нодиржон эса бу гал онасини ажратиб олишга уринмади, бир четда ғазабини ичига ютиб кузатди. Ҳолдан тойган ота одатдагидай чорпояга ўзини ташлаб, донг қотиб ухлаб қолди. Нодиржон укаларини ҳам уйга киритиб, ташқарига чиқди-да, отаси ухлаб ётган чорпоя олдида келиб бир зум қараб турди. Қўллари мушт бўлиб тугилди...

Доно халқимиз «жаҳл келганда ақл кетади», деган нақлни бежиз айтмаган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жаҳлини жиловлай олмаган Нодиржон ухлаб ётган отасига қўл кўтариб, унга тан жароҳати етказди...

Шу куни отани шифохонага, Нодиржонни эса ички ишлар бўлимига олиб кетишди. Энди 18 ёшга қадам қўйган йигитчанинг ҳаётига қора доғ тушди.

Суд ишида оқловчи сифатида иштирок этган адвокат Шоира Шарипова тергов материаллари билан эринмай танишди. Нодирни жиноятга мажбур этган ҳолатларни ўрганди.

— Агар шундай қилмасам, ёш йигит узоқ муддатга қамалиб кетиши мумкин эди, — дейди Ш.Шарипова. — Тўғри, у айбдор. Ўзи ҳам айбига иқрор бўлди. Шундай бўлса-да, ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиз.

Ш.Шарипова нафақат тергов материалларини ўрганди, балки маҳалла, қўни-қўшнилар билан эринмай суҳбатлашди, сўраб-суриштирди. Жиноятга ундаган бирор-бир ҳолатни эътибордан соқит қилмади. Суд жараёнида булар барчаси инобатга олиниб, мажбурий жиноятга қўл урган йигитчага қисқа муддатли қамоқ жазоси тайинланди.

Дарвоқе, инсон тақдирига чин дилдан қайғуриш, ҳаётда йўлини топиб олишга ёрдам бериш — эзгуликка хизмат қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўзганинг дардини теран ҳис эта оладиган адвокат Ш.Шарипова ёшлигидан китобга меҳр қўйиб ўсди, кўп ўқиди. Ўзидаги инсонпарвар туйғуларнинг шаклланишида бадиий адабиётнинг аҳамиятини у юксак баҳолайди. Падари бузруквори, иқтидорли журналист ўз фарзандларига ўзлари мустақил касб танлашлари учун имконият яратиб берганди. Оиланинг тўнғичи Ш.Шарипова ҳуқуқшунослик касбини танлади. Мана, йигирма тўрт йилдан бери адвокатлар ҳайъатида меҳнат қилиб келади.

Адвокат-оқловчи учун аниқ иш вақти белгиланмаган. Баъзан тунни кунга улаб, ором ва ҳаловатни унутиб ишлашга тўғри келади.

Албатта, одам боласи онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Баъзан адашиб жиноят кўчасига кириб қолса, баъзида у яшаётган муҳит ёки атрофдагилар уни тубанлик ботқоғига тортади. Нима бўлган тақдирда ҳам судланувчининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шарт ва бу адвокатнинг бурчидир. Ўз бурчини сидқидилдан бажарган инсон эса ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлади.

**Исроил ХОЛБОЕВ,**
**Навоий вилояти**

*Dunyoning ishlari*

***Қадим юнон афсоналарида айтишларича, денгиз ўртасида жойлашган мўъжазгина оролчада ажабтовур бир қўл тегирмони бўлиб, унинг қулоғи сал буралса, ичидан ош тузи булоқдай қайнаб чиқаверар экан. Кунлардан бир кун очкўз бир киши оролдан тегирмонни ўғирлаб қайиғида қуруқлик томон йўл олибди. Бироқ қирғоққа етгунча унинг сабри чидамай, денгизнинг ўртасида тегирмоннинг қулоғини бурабди. Қайиқнинг ичига оппоқ туз шовуллаб тўкила бошлабди. Бойнинг қувончи ичига сиғмасмиш. Аммо унинг бу қувончи узоққа чўзилмабди. Нега деганда, ҳадемай қайиқ тузга тўлиб, денгиз қаърига чўкиб кетибди.***

# ҚАРОҚЧИЛАР ХАЗИНАСИ СИРЛАРИ

Ровийларнинг айтишича, сув остида ўша тегирмон ҳамон тинимсиз айланар ва шу сабабли денгиз суви шўр эмиш...

Албатта, бу шунчаки эртак, холос. Аммо ҳаётда бойлик ортидан қувиб, охир-оқибат ажал топган таваккалчилар ҳам учраб туради. Айниқса, яширилган улкан хазинага эга бўлишни ким ҳам орзу қилмайди дейсиз? Шу пайтгача дунёдаги энг катта хазина бу — қароқчилар хазинаси ҳисобланади.

Қадим-қадимда денгизчилар катта бойлик илинжида номаълум ўлкаларга йўл олганлар. Улар йўл-йўлакай олтин тўлдирилган қироллик кемаларига ҳужум қилганлар. Бир неча юз йиллар давомида Америка ва Ҳиндистондан олиб кетилаётган олтинлар учун жанубий денгизларда шафқатсиз жанглар кечган. Қароқчиларнинг доимий яшаш жойи бўлмаган. Улар денгиздан денгизга, океандан океанга сузиб, қароқчилик қилганлар. Шу боис, кемаларни талаб, одамларни қириб ташлаш эвазига топган олтинларни махфий жойларга бекитиб қўйганлар. Аммо ушбу олтинларни топишга орзуманд кишилар ўз мақсадларига ета олмаган, уларнинг аксарияти сирли вазиятларда ҳалок бўлган.

Хўш, қароқчилар хазинасининг сири нимада?

Гапни тарихда бутун Европани танг аҳволга солган ўта даҳшатли, қирғинбарот воқеалар тафсилотидан бошлаймиз.

Христофорь Колумб Америка қитъасини кашф этгач, маҳаллий аҳолидан тортиб олинган олтинлар оқими Атлантика океани орқали Европа томон оқиб кела бошлади. Юзлаб кемаларга юкланган тонна-тонна олтинлар ҳар қандай кишининг ақлини шошириб қўярди.

Бундан хабар топган қароқчилар галаси Кариб денгизи ва Азор ороллари яқинида олтинлар юкланган Испания кемаларига ҳужум қилишар эди. Баланд ўркачли тўлқинлар орасида ҳаёт мамот жанглари бошланар, қароқчилар шафқат нималигини билмасди. Замбараклар ўқидан кемалар ёниб кетар, минглаб одамлар кемалар билан қўшилиб денгиз тубига ғарқ бўлар эди.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, Тич, Морган ва Кид исмли қароқчиларнинг махфий хазинаси бир неча ўн миллиард долларга тенг, деб баҳоланган. Аммо ажабланарли томони шундаки, асрлар давомидаги уюштирилган экспедиция вакилларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, улкан хазинадан ҳамон дарак йўқ. Аксинча, олтин қидирувчиларнинг кўпчилиги сирли равишда ҳалок бўлган.

Хазина қидирувчилар ҳақида ёзилган китобларда бундай сир-синоатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Хусусан, қароқчилар инсон қадами етмайдиган оролларга олтинларини яширгач, хазина тепасида қуйидаги сўзларни алам билан такрорлашган:

«Агар кимда-ким бу ерда яширилган олтинларимга қўлини теккизишга жазм қилса, унинг ортга қайтиш йўли шамшир тиғидан-да қисқароқ бўлсин!»

Бундан ташқари, ҳаётда минг марта ажалга чап бериб, ёши бир жойга бориб қолган айрим қароқчилар хазина кўмиб қўйилган жойга қайтиб келишган. Бироқ бундай бахт камдан-кам одамга насиб этган. Бунинг устига олтин кўмилган махфий жойга бир вақтнинг ўзида икки нафар қароқчи тўқнаш келиб қолса, табиийки, уларнинг жисмонан кучлироғи рақибини ўлдирган. Гўё уларнинг ўзи бир пайтлар алам билан такрорлаган сўзлар энди ўз кучини кўрсатаётгандек.

Шу ўринда хаёлингизга бир лаҳза эрк беринг: Мисоли ер қаърида абадий тўнган хазина атрофидаги ҳаводан қон — инсон қони ҳиди уфуради. Ҳали қоқ пешин бўлишига қарамай, атроф-жавониб шафақдай қип-қизил. Алвон рангли чангалзорлар ёнгинасида инсон ақлига зид ҳодисалар содир бўлаётганидан ўксингандай, мунгли чайқалади. Бутун оролга қабристон сукунати чўккан. Лекин бу сукунат салтанати чақмоқ чақинидан, момоқалдироқ гумбурлашидан-да, оғирроқ. Тирик қолган кекса қароқчининг қўлида белкурак, кўзлари қонталаш, қўллари шилинган. Бироқ у буларнинг барчасига бепарво, жон-жаҳди билан ер қазимоқда! Хазина тепасида, кўмилган олтинлар учун жон берган минглаб инсонларнинг руҳлари оқ капалак сингари чир-чир айланади. Ҳа, хазиналар ороли ўз қурбонлари билан ҳисоб-китоб, савол-жавоб қилаётгандек қаҳри қаттиқ, турқи совуқ, қовоғи солинган...

Бу қароқчиларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бойликларини ўз бағрига яширган Кокос ороли бўлиб, у Тинч океанининг шимолида жойлашган. Бу орол шунчалик хатарлики, унга қадам босган қароқчилар ҳам тирик қайтишларига шубҳа билан қарашган.

Бу мўъжаз, аммо даҳшатли оролчага биринчи бўлиб Генри Морган исм-шарифли қароқчи ўз олтинларини яширган. Моргандан кейин яна уч нафар энг машҳур қароқчи — Вильям Дампир, Скот Томпсон ва Александр Грэхем (унинг лақаби Бахтли Бенито бўлган) ўз бойликларини ушбу орол бағрига кўмганлар. Бироқ улар бир-бирларининг хазинаси яширинган жойдан мутлақо бехабар бўлишган.

Дунёда яхши ният билан қўйилган ном, бошланган эзгу иш ҳам ҳамиша бирдек ўзини оқлайвермас экан. Бахтли Бенито тақдирида айнан шундай ҳодиса юз берди. Қароқчи сардорлари орасида унинг обрўйи баланд, талон-тарож жангларда доимо омади юришарди. Бироқ ушбу оролга қадам қўйиши билан омад ундан юз ўгирди. Сирли-сеҳрли орол унинг «бахтли» деган лақабини ўзига сингдира олмади. Бахтли Бенитонинг тақдири ўзидек шафқатсиз ва даҳшатли оролда хотима топди...

Воқеа мана бу тахлитда юз берган эди.

XIX аср бошларида испанлар Жанубий Америкадаги Лима қабиласи хазинасини катта куч билан қўлга киритгач, олтинларни шоша-пиша Испанияга жўнатиш пайига тушишади. Шу боис улар бир кечада тўпланган бойликларни кема тагхонасига жойлаб, очиқ денгизга чиқишади.

Бироқ улар Панама кўрфазига кираётган пайтда Бенито бошлиқ қароқчилар ҳамласига дуч келишади. Икки ўртада ҳаёт-мамот жанги бошланади. Бундай пайтда Бенито шу қадар ёвузлашиб кетардики, у ҳатто бир сиқим олтин учун ўз отасининг бошини танасидан жудо қилишдан ҳам тап тортмасди. Унинг яна бир лақаби — «Қонли қилич» — Бенитонинг бераҳмлигини айнан ифода этар эди.

Қисқаси, худо қарғаган ўша кун қароқчилар испанларни ошпазларигача қиличдан ўтказгач, кемани бойликлари билан Кокос оролига олиб кетишади. Улар қирғоқ биқинидаги ер ости ғорига олтин тўла сандиқларни апил-тапил яширишади. Қароқчилар ўз ишларига шу қадар устаси фаранг эдики, ғорга бош суққан ҳар қандай одам бу ерда олтин яширилганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

Олтинларни саранжом қилгач, Бенито гуруҳининг икки елканли кемаси қирғоқдан энди узоқлашаётган чоғ, кутилмаганда, англияликларнинг икки тезюрар кемаси ҳамла қилиб қолади. Оқибатда қароқчиларнинг барчаси қўлга олинади...

Омад илк марта Бенитодан юз ўгиради. Бу ҳодиса Кокос оролига қадам қўйган кунга тўғри келади. Шу пайтгача бирор марта душман қўлига тушмаган, бошқача айтганда, ўтда ёнмас, сувда чўкмас Александр Грэхем сафдошларининг кўз ўнгида дорга осилади.

Бу – сирли хазиналар оролидаги биринчи ўлим эди.

Иккинчи томондан, жуда катта бойликни қўлдан чиқармаган испанияликлар ўзларича шумлик ишлатмоқчи бўлишади.

Гап шундаки, ўзаро тортишув чоғида испанларнинг кичикроқ лавозимдаги бир зобити қизиқ бир таклифни ўртага ташлайди. Кутилмаганда бу таклиф ҳаммага маъқул тушади. Бироқ ишлаб чиқилган бу режа қанчалик пухта бўлмасин, соддадил испанлар қароқчилар охир-оқибат ўзларини яна доғда қолдиришини ҳозирча билишмасди...

***(давоми бор)***

**Хорижий матбуот материаллари асосида**
**Мансур ТЕНГЛАШЕВ тайёрлади**


## ЭЪЛОН!

**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси вилоятнинг Узун туман давлат нотариал идорасидаги битта бўш давлат нотариуслиги лавозимига танлов эълон қилади.**

***Ушбу танловда иштирок этишни истаган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясига 2006 йил 22 июлга қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:***

1. комиссия номига ариза;
2. паспорт нусхаси;
3. белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорлар — қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
7. Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариал ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар тегишлича Адлия вазирлиги раҳбарияти ёки адлия бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
8. охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.

**Танлов вилоят адлия бошқармаси биносида ўтказилади.**

*Манзилимиз: Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 40-уй, телефон: 7-57-98*




*Табиат мўъжизаси*

*Jinoyat va jazo*

# МУТТАҲАМНИНГ «ПАРВОЗИ»

**Суд очерки**

**Баъзан кўча-кўйда «фалончига қарз берган эдим, аммо орадан бир йил ўтса-да, ололмай юрибман. Уйига қатнаб ҳолдан тойдим. Ноинсоф одам экан», — деганга ўхшаш гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Тўғри-да, бировга яхшилик қиламан деб, қарз берсанг-у охир-оқибат алданиб қолсанг, ҳар қандай кишига ҳам алам қилади. Халқимиз ваъдасида турмайдиган бундай кимсаларни ноинсоф, деб атайди. Қуйида биз қаламга олган воқеа ҳам айнан шундай лафзсизлик ҳақида.**

Шеробод туманининг Муқимий кўчаси, 11-уйда истиқомат қиладиган Жўрабек Худойшукуров ёшлигидан тайинли бир касбнинг этагини тутмади. Аксинча, пул топишнинг қинғир йўлларини излади. Шунинг оқибатида икки марта қонуний жазога тортилди. Лекин у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, ўз билганидан қолмади.

Бир куни у Шеробод туманидаги Т.Хўжаев номидаги кўчада истиқомат қиладиган якка тартибдаги тадбиркор Зулфия опа Бозорованинг уйида шакар борлигини эшитиб, тинчини йўқотди. Кейин эса тонг саҳарда унинг дарвозасини тақиллатди.

— Опажон безовта қилганим учун минг бор узр. Олдин ҳам бир-икки бор келиб сизни тополмай кетгандим. Бугун нима бўлса ҳам саҳарлаб учрашайин деб келдим, — деди у дарвозани очган Зулфия опага.

— Менда қандай зарур ишингиз бор? — ҳайрон бўлиб сўради Зулфия опа.

— Унчалик мушкул иш эмас. Уйингизда шакар бор экан. Шуни сотмоқчи бўлганингизни эшитиб келдим. Савдоси пишса, харид қилмоқчиман. Фақат пулини бугун эмас, ҳафта охирида нақд санаб бераман. Мени яхши танийсиз, қарийб қўшни яшаймиз. Аёл кишини алдасам, эркаклик ғуририм қаерга кетади?! Буёғига шакарнинг нархини келишсак, бас...

Жўрабекнинг бетиним ялтоқланишидан Зулфия опанинг кўнгли эриб кетди. Минг қилса ҳам аёл-аёлда. Бунинг устига йигит киши қасам ичиб турса, ишонмай бўладими? !

Қисқаси, ўша куни Зулфия опа 3 миллион 900 минг сўмлик шакарни Жўрабекнинг қўлига қандай тутқизиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Шу ўринда Зулфия опанинг фирибгар ортидан «қув-қув»ларини сал ортга қўйиб, Жўрабекнинг кейинги «фаолияти» ҳақида тўхталайлик.

Жўрабек қишнинг аёзли кунларидан бирида тумандаги Дўстлик маҳалласида истиқомат қилувчи эски таниши Исмоил Шодмоновни деҳқон бозорида учратиб қолди.

— Акажон, ёрдам бермасангиз, аҳволим чатоқ. Ҳамма умидим сиздан. 75 минг сўм пул сув билан ҳаводек зарур. Бир ҳафтада қайтариб бераман. Тилхат десангиз, ҳозир ёзиб ҳам бераман. Фақат йўқ деманг, жон ака, — дея у Исмоил Шодмоновга ялиниб-ёлвора бошлади.

Кўринишидан туппа-тузук йигитнинг ёлвориши Исмоил аканинг ҳам кўнглини бўшаштириб юборди. У чўнтагидан 75 минг сўм олиб, Жўрабекнинг қўлига тутқазаркан, шу ҳафта ичида ўзига ҳам пул зарур бўлиб қолишини қайта-қайта тайинлади. Ўз навбатида Жўрабек ҳам ваъдани қуюқ қилди.

Сўнг у пулни чўнтагига уриб, кўздан ғойиб бўлди. Аслида у оддий найранглари иш бераётгани, одамлар ёлғон сўзларига лаққа ишониб, қўлига жарақ-жарақ пул тутқазаётганидан хурсанд эди. Бунинг устига унинг назарида, бу дунёда ўзидан ақлли, уддабурон ва ишнинг кўзини биладиган одам йўқ эди. У шундан ҳаволаниб, орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай Шеробод туманидаги У.Усмонов номидаги кўчада яшайдиган Нурия Пардаеванинг хонадонида пайдо бўлди. Фирибгарлик «санъатини» ишга солиб, икки кун муддатда қайтариб бериш шарти билан Нурия опадан 60 минг сўмни қарзга олиб, жуфтакни ростлаб қолди.

Бу орада қиш ўтиб, баҳор бошланди. Ўша кунлари Жўрабек тумандаги Муқимий номидаги кўчада истиқомат қилувчи Валижон Раҳимов билан учрашиб қолди.

— Ака, Термиздаги базада шакар бор экан. Катталари билан гаплашиб келдим. Фақат нақд пулга сотамиз дейишаяпти. Ўзим ҳам 5 тонна олмоқчиман. Агар шакар керак бўлса, сизга ҳам гаплашиб келаман.

– Нархи қанча экан? — деди Валижон ака кутилмагандан оёғи тагидан чиққан савдодан хурсанд бўлиб.

— Э, ака, арзон бўлгани учун сизга айтяпман. Ахир, ҳадемай мевачева пишгач, шакарнинг бозори чаққон бўлиб кетади. Шунда бирга бир фойда қолади. Агар арзон шакар керак бўлса, пулни тахлайверинг.

Бу сафар ҳам унинг кишини илондек авраши, ўзининг ёлғон сўзларига ишонтириши иш берди. Валижон Раҳимов бир миллион 10 минг сўмни унинг қўлига қандай тутқазганини ўзи ҳам билмай қолди.

Фириб иш, қаллоблик бир кун қувонтирса, минг кун ғам чектиради, дейди халқимиз. Жўрабек Худойшукуров одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиши, фириб ва алдов йўли билан бойлик топишга уриниши охир-оқибат яхшиликка олиб келмади. У яна учинчи марта суднинг қора курсисига ўтирди.

Шу йилнинг апрел ойида жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман суди фирибгар Жўрабек Худойшукуровни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Буни қарангки, у ўламан саттор, айбим йўқ, дея суд ҳукмидан норози бўлиб апелляция шикояти ёзди.

2006 йилнинг 31 май куни жиноят ишлари бўйича вилоят апелляция инстанцияси судининг ажримига кўра, Қумқўрғон туман судининг фирибгар Жўрабек Худойшукуровга беш йилу олти ой озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш тўғрисидаги ҳукми ўз кучида қолди.

Албатта, фирибгар ўз қилмишига яраша қонуний жазо олди. Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин шу ўринда кишини масаланинг бошқа бир жиҳати ўйлантиради. Гап шундаки, бир шаҳарда яшаб, кўпни кўрган, оқ-қоранинг фарқига борадиган одамлар бир товламачи кимсанинг қуруқ ваъдаларига ишониб, пулларини қўшқўллаб топширгани кишини ҳайрон қолдиради. Аслида бундай ишонувчанлик, воқеа-ҳодисаларга лоқайд ва эътиборсиз қараш ҳаётда фирибгарлик сингари иллатларнинг урчишига сабаб бўлиши турган гап.

Демак, юқорида номлари қайд этилган кишиларнинг фирибгарнинг алдовига учиб, овора-ю сарсон бўлишида аввало ўзларининг ҳам айби йўқ эмас.

Хулоса шуки, бу ҳаётни гўзал ва мазмунли кечиши ҳар биримизга боғлиқ. Бунинг учун энг аввало, бир-биримизга бўлган ишонч ва эътиборни асраб-авайлашимиз лозим.

**Икромжон ШАЙМАНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**


*«УзСАЛУС» шуъба корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:*
**Навоий вилояти, Кармана тумани, Роҳат кўчаси, 52-уй. телефон: 532-32-81**



**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-915. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6